

## Ҳаж - улуғ ибодат



08:40 / 27.07.2018 3882

Бугунги жумъа мавъизасида имом-хатибларимиз "Ҳаж - улуғ ибодат" мавзусида маъруза қиладилар. Бу ҳақда ЎМИ расмий [сайтида хабар берилмоқда.](#)

ميجررلا نمررلا هللا مسب

Муҳтарам жамоат! Маълумки, муқаддас Ислом динимиз беш аркон устига қурилган бўлиб, улардан бири - ҳаж ибодатидир. Ҳаж молиявий ва жисмоний ибодат бўлиб, мўмин-мусулмон киши умрида бир марта адо этиши фарздир. Ҳаж қилмоқчи бўлган шахс балоғатга етган, ақли расо, сафар харажатларига қодир, ҳажга бориб келгунига қадар ўз қарамоғидагиларни нафақа билан таъминлаган ҳамда йўллар очиқ ва беҳатар бўлиши шарт қилинади. Аёл кишига эса, юқоридаги шартлар билан бирга эри ёки бирор маҳрами ҳамроҳ бўлиши керак. Кимда мана шу



яъни: **“Ким Аллоҳ учун ҳаж қилса, фаҳш сўз айтмаса ва фисқу фасод қилмаса, онасидан туғилгандек гуноҳлардан пок бўлган ҳолда қайтади”** (Имом Бухорий ва Имом Аҳмад ривояти).

Ҳаж даврида беҳаё сўзларни айтмай, фисқу фасод ишларни қилмай юрган кишилар худди онадан туғилгандек бегуноҳ ҳолда уйларига қайтадилар. Бу ҳақиқатни ҳажга борувчи ҳар бир киши энг зарур нарсалар қатори қалбига сингдириб олмоғи лозим. Ҳажни ният қилган киши катта-ю кичик гуноҳларни қилишдан, ҳатто бирор жонзотга озор беришдан, хусусан, одамлар билан жанжаллашишдан доимо ўзини сақлаши лозимдир. Албатта, булар ҳажнинг мақбул бўлиш шартларидан ҳисобланади.

Ҳаж сафари давомида йўлдошларига хайр-эҳсон қилиш ажр савоб бўлиши билан бирга, инсонлар орасида ўзаро дўстлик ва меҳр-муҳаббат пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бундай одамнинг ҳажи ҳам мақбул бўлади.

رُؤِبَ مَلَا حَ لَ ا : لَ ا قَ مَّ لَ سَ وِ هَ يَ لَ عَ لَ لَ ا لَ صَ يَ بَ لَ لَ ا نَ عَ هَ عَ لَ لَ ا لَ يَ صَ رَ رَ بَ ا جَ نَ عَ هَ ا وِ رَ ) " مَ ا لَ كُ لَ ا بَ يَ طَ وِ ا مَ ا عَ طَ لَ ا مَ ا عَ طَ ا : لَ ا قَ ؟ هَ رَ بَ ا مَ وِ : لَ يَ قَ " هَ نَ جَ لَ ا لَ ا لَ ا نَ جَ هَ لَ سَ يَ لَ ( دَ مَّ حَ ا مَ ا مَ ا لَ ا

яъни: Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Мақбул ҳажнинг мукофоти фақат жаннатдир”**, – дедилар. **“Унинг қабул бўлиши нима билан бўлади”**, – дейилди. “Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Таом бериш ва яхши гапириш”**, – дедилар (Имом Аҳмад ривоят қилган).

Муҳтарам азизлар! 2018 йил ҳаж ибодатини адо этадиган зиёратчилар учун Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва масъул мутасадди ташкилотлар йил бошидан тайёргарлик ишларини бошлаб, ҳозирда ниҳоясига етказиб бормоқдалар. Шу кунларда 10 нафар ишчи гуруҳ Саудия Арабистонига жўнаб кетдилар. Юртимиздан ҳаж сафарига боргувчилар билан ҳажнинг қонун-қоидалари ва тартиблари ҳақида учрашув ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Шунингдек, уларнинг ҳар бирларига ҳаж ҳақида йўриқнома сифатида китоб билан диск тарқатилди.

Муҳтарам жамоат! Ҳаж ибодатини бажариш ҳаммага ҳам насиб қилаверадиган амаллардан эмас. Шунинг учун бу улуғ сафарни ният қилган юртдошларимиз ҳажнинг моҳиятини яхши тушуниб олишлари, уни адо этиш тартибларини пухта ўзлаштиришлари, сафар одобларига қатъий риоя қилишлари талаб этилади. Катта харажатлар сарфлаб, узоқ вақт навбат кутиб, шунча узоқ жойга, Аллоҳнинг розилигини топаман, деб

борган айрим ҳожиларимиз, афсуски, ғанимат дамларини қадрига етмай, кўп вақтларини беҳуда амаллар ва дўкон айланишлар билан ўтказиб юборишади. Ҳаж зиёратига отланган кишилар зиммаларидаги фарз, вожиб, суннат амалларни иложи борича жамоат билан, ўз вақтида адо этишга ғайрат қилиш – муборак динимиз талаби ва шариатимиз кўрсатмасидир. Кўпроқ Қуръон тиловати, нафл ибодатлар, зикр ва истиғфор айтиш, ёрдамга муҳтож кишиларга кўмак бериш каби савобли ишларни қилишлари зарур. Яна сафар давомида иложи борича билимдон ва солиҳ кишиларга йўлдош бўлиш, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам тавсия қилган дуоларни ёдлаб, айтиб юришга интилиш ҳам мақбул амаллардандир. Шундагина ҳажларимиз мабрур, ибодатларимиз мақбул бўлади, иншааллоҳ.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳожи бўлиш – шараф, шу билан бирга катта масъулият ҳамдир. Чунки уламоларимизнинг айтишларича, ҳажнинг қабул бўлиш ёки бўлмаслиги ҳожининг уйига қайтганидан кейинги амалларидан билинади. Демак, ҳожиларимиз юртимизга қайтганларида билим-маърифат, одоб-ахлоқ ва барча эзгу ишларда ҳаммага намуна бўлишлари лозимдир.

Аллоҳ таоло муборак ҳаж сафарига ҳозирлик кўраётган барча юртдошларимизга ҳаж ибодатларини тўла-тўқис адот этиб, юртимизга соғ-саломат ҳолда қайтиб келишларини муваффақ айласин! Омин.